

Босния-Герцеговинада Пайғамбаримиз алайҳиссаломга бағишланган тадбир бўлиб ўтди



10:13 / 12.12.2018 2396

Ушбу тадбир Босния-Герцеговинадаги Нақшбандия тариқати марказида юқори савияда ташкил этилди. Бу ҳақда IQNA хабар берди.

“Улуғ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳурмат билан ёдга олиш” деб номланган мазкур маросимда иштирок этган Босния-Герцеговина Тариқатлар маркази раҳбари Шайх Сурайё Ҳожи Милич барча мусулмонлар қатори босниялик мусулмонлар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни, аҳли оилаларини жуда ҳам севишларини, у Зот алайҳиссаломнинг ворисларига катта ҳурмат кўрсатишларини эслатиб ўтди. Ислом жамоати раҳбари Ҳусайн Кавазович эса Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хос жиҳатларини Қуръони каримдаги оятлар билан тушунтириб берди.

Маросимда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салоту саломлар айтилди, нашид ва қасидалар ўқилди.

Islom.uz портали таҳририяти